



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь кuni Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимизда ўтган Президент сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий кутлаб, Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва равнақини таъминлаш борасидаги фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон етакчиси, ўз навбатида, Озарбайжон раҳбари ва биродар халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Ғалаба куни билан самимий муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик ва бардавом тараққиёт тилакларини изҳор этди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор суръат билан ўсаятгани, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳалар сони ортаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Жорий йилда Хожикабул шаҳрида

автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, қишлоқ хўжалиги ва ипакчиликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар муваффақиятли кооперацияга мисол экани таъкидланди.

Келгуси ойда Боку шаҳрида Ўзбекистоннинг миллий саноат кўرғазмаси ўтказилади. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишларида тайёрларлиқ кўриломоқда.


Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, пойтахтлар ўртасидаги авиақатновларни тиклаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудда қўшма маданий-гуманитар тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш муҳим экани қайд этилди.

Президентлар минтақавий ҳамкорлиқнинг энг муҳим жиҳатлари, шу жумладан, Туркий кенгашининг бўлажак саммити кун тартиби юзасидан фикр алмашидилар. Олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ



ОДАМЛАР ҲАМ УЙЛИ, ҲАМ ИШЛИ БЎЛАДИ

Ҳар бир инсон, ҳар бир оила тўқис ҳаёт кечириши учун ўз уй-жойига эга бўлиши муҳим. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, мамлакатимиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, арзон ва сифатли уйлар қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар барпо этилди. Бу олдинги йиллардагига қараганда 10 баробардан ҳам кўп.

Маълумотларга кўра, келгуси беш йилда юртимиз аҳолиси 38 миллионга етиши кутилмоқда. Бу рақамлар аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳам йил сайин ошиб боришини яққол намоён этади.

Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, уйлар қурилиши кўп-мисли кенгайтириб бориш кўзда тутилган. Бу масала Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловда дастурида ҳам ўз ифодасини топган эди. Давлатимиз

раҳбари сайловчилар билан учрашувларда инсон қадрини улуғлаш, муносиб турмуш шароити яратиш асосий мақсад бўлишини таъкидлади. Буларнинг бош омилли эса, аввало, уйли бўлишдир.

▶ Давоми 3-бетда

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ЯШИЛ МАКОН НИМА УЧУН КЕРАК?

ЖАВОБ АТРОФИМИЗДА, ҲАР БИРИМИЗНИНГ
УЙИМИЗДА КЕЗИБ ЮРИБДИ



Сўнгги пайтларда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам экологик муаммоларнинг инсон саломатлиги ва барқарор ривожланишга таъсири яққол кўзга ташланаёттир. Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб рўй бераётган кучли шамол ва унинг таъсирида келиб чиққан чанг-қумли бўрон ҳолатлари бунинг яна бир далили.

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан маълум қилишларича, кучли шамол натижасида тупроқнинг жуда қуруқ устки қатлами кўтарилиши чанг-қумли туман қузатилишига сабаб бўлмоқда. Чанг микдори меъёридан бир неча баробар ошган.

▶ Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Фикр ғояга, ғоя эса лойиҳага айланади. Аммо лойиҳа ҳар қанча истиқболли бўлмасин, молиявий кўмаксиз уни ҳаётга татбиқ этиш мушкул. Агар унга инвестиция жалб қилиниб, моддий қўллаб-қувватланса, йирик қувват, мамлакат иқтисодиёти ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган катта куч сифатида бўй кўрсатади.

Юртимизда сўнгги беш йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга ўсиши ана шундай ижобий саъй-ҳаракатлар натижасидир. Бунинг эвазига юзлаб завод ва корхоналар ишга туширилиб, маҳсулот ва хизматлар

кўпайди, одамлар ишли бўлди, янги иншоотлар қурилди. Йил бошидан буён 179 та йирик ва 10 мингта ҳудудий лойиҳа ишга туширилиб, уларга 76 триллион сўм инвестиция йўналтирилди.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 4 НОЯБРЬ КУНИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ

✓ СЎНГИ БЕШ ЙИЛДА хорижий инвестициялар ҳажми 3 БАРОБАР ЎСГАН. Бунинг эвазига юзлаб завод ва корхоналар ишга туширилиб, маҳсулот ва хизматлар ҳажми кўпайди, одамлар ишли бўлди, янги иншоотлар қурилди.

✓ Йил бошидан буён 179 та йирик ва 10 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга туширилган. Уларга 76 триллион сўм инвестиция йўналтирилган. 143 МИНГТА ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.



✓ Йиғилишда жорий йилда импорт қилинган 270 дан ортиқ ускуна ҳали ўрнатилмагани кўрсатиб ўтилди. Бунга сабаб бўлаётган жараёнларни соддалаштириб, ускуналарни тезроқ фойдаланишга киритиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда янги лойиҳаларни ўз вақтида бажариш ва аввал ишга тушганларини тўлиқ қувватга чиқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

✓ Охириги йилларда фойдаланишга топширилган 442 та лойиҳа паст қувватда ишлаётгани қайд этилди. Жойида ўрганилганда, уларнинг 238 тасида хомашё ва бозор топиш, 115 тасида кредит, 35 тасида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган.

✓ Вилоят ҳокимларига ушбу корхоналар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йил якунига қадар 139 ТА ЙИРИК ВА 3 МИНГТА ҲУДУДИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ.

✓ Ҳар бир ҳудудда “ТУМАН ЛОЙИҲА ГУРУҲЛАРИ” ва холдинг компаниялари ташкил этилиши режалаштирилган. Ушбу янги тузилмалар тадбиркорларнинг бизнес ҳамкорига айланади.





“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

ОДАМЛАР ҲАМ УЙЛИ, ҲАМ ИШЛИ БЎЛАДИ



**Ботир ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазири**

Бошланиши 1-бетда

2 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Фарғона вилояти Бағдод туманида қилинган ишлар тажрибасидан келиб чиқиб, бутун Ўзбекистон бўйлаб “Янги Ўзбекистон” массивларини ташкил этишга топшириқ берди. Бағдод ту-

худудда 2-3 тадан, жами 37 та массив танланди. “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” институти билан биргаликда барча “Янги Ўзбекистон” массивларининг бош режаси лойиҳа тақлифлари ишлаб чиқилди.

Режага кўра, мазкур массивларда кўп қаватли 2269 та уй қурилади. Бунда квартиралар сони 64 минг 108 тани ташкил этади. Яъни битта массивда камиди 50 та уйни жойлаштириш кўзда тутилмоқда. Мазкур бош режаларга кўра, массивларда кўп қаватли уй-жойлар билан биргаликда ижтимоий соҳа муассасалари, маиший хизмат ва бозор инфратузилмаси объектиларини қуриш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, массивлар аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида танланган ҳудудларга қулай жойларда кичик саноат зоналарини, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик объектиларини жойлаштириш белгилаб олинди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликлари билан биргаликда ушбу зоналар ва комплекслар бўйича ҳам бош режа лойиҳалари тайёрланмоқда. Массивларни танлаш, бош режаларни ишлаб чиқиш, уй-жойлар, муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектиларини жойлаштиришда Фарғона вилояти Бағдод туманида барпо этилган “Мурувват” массиви намуна сифатида асос қилиб олинди.

Шунингдек, арзон уй-жойлар бўйича 10 та намунавий лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур уйларда, асосан, энергиятежамкор ва маҳаллий материаллар ҳамда жиҳозлардан фойдала-

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ЯШИЛ МАКОН НИМА УЧУН КЕРАК?



ЖАВОБ АТРОФИМИЗДА, ҲАР БИРИМИЗНИНГ УЙИМИЗДА КЕЗИБ ЮРИБДИ

Бошланиши 1-бетда

Айтиш кераки, инсоният бугун илм-фан ва инновациялар соҳасида жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Шу билан бирга, экология бўйича жиддий глобал муаммолар гирдобига ҳам тушиб қолди. Урбанизация жараёни тезлашиши, глобаллашув жадаллашуви она сайёрамиз хавфсизлигига раҳна солиб, қатор экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Инсон фаолияти таъсирида ўрмонларнинг қисқариши, иқлим ўзгариши шундай муаммолардандир.

Ўртимизда содир бўлган экологик муаммо муносабати билан тегишли ташкилотлар мутахассислари аҳолига бу ҳодисанинг келиб чиқиш сабаби, ундан ҳимояланиш ва келгусида бундай экологик офатларнинг олдини олиш бўйича ўз тавсияларини бермоқда.

Бундай ҳолат илгари кузатилмаган

Ўзгидромет маълумотига кўра, чангли бўрон — бу атмосфера ҳодисаси бўлиб, кучли шамол таъсирида ер юзидан катта миқдордаги кум ва чанг кўтарилишидир. Ўзбекистонда бу жараён баъзан баҳорда ва ёзнинг бошида кузатилади. Кўпинча айнаи ҳодисалар қурғоқчил ҳудудларда — чўл ва ярим чўлларда содир бўлади.

Жорий йил 4 ноябрь куни куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари орқали Урал-Волга бўйи ҳудудларидан совуқ қутб антициклони кириб келди. Шунингдек, Жанубий Қозоғистоннинг марказий ҳудудларида (Туркистон вилояти) шимолӣ йўналишида кучли шамол кузатилди. Қозоғистондан кириб келган кучли шамол Жиззах, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида давом этди. 4 ноябрдан 5 ноябрга ўтар кечаси Қозоғистоннинг Чимкент вилояти, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қурилган чанг ва қум зарраларининг маълум қисми атмосферанинг юқори қатламларида қўшни Тожикистоннинг Сўғд вилояти Хўжанд тор дараси орқали Қўқон шамоли қўринишида Фарғона водийсига кириб келди. Айнаи дам водий вилоятларининг айрим ҳудудларида қўринувчанлик 1000 метрдан паст чекланишга эга чанг-ғубор ҳодисаси кузатишмоқда.

Ўзгидрометнинг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳаво сифатини инфо-послантирувчи моддалар таҳлилини юритувчи автоматик станциялар кузатув постларида чанг миқдори кескин кўтарилга бошлади. Аввалга чанг миқдори рухсат этилган меъёрдан 5 баробарга, кейинроқ 30 баробаргача кўтарилиши қайд этилди. Чанг миқдори рухсат этилган меъёрий кўрсаткичдан 10 баробар юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Ўзгидромет томонидан олиб борилаётган кузатишлар давомиёлиги (150 йил) натижасида бундай ҳолат илгари кузатилмаган. Республика ҳудудларида кескин шамоллар натижасида иқлим шароитларидан келиб чиқиб, чанг-ғубор ҳодисалари кузатишган ҳамда ушбу жараён шамол тўхташи билан 15-20 дақиқа вақт оралиғида тарқалган.

Республикамиз ҳудудида жорий йилнинг 12 ноябрь кунига қадар ёғингарчиликлар (жанубий вилоятлардан ташқари) кузатилмаслиги турли иқлимий модел, сунъий йўлдошлардан олинаётган реал вақтдаги тасвирлар, ер усти ва атмосфера қатламларидаги об-ҳаво хариталари таҳлили асосида

мутахассислар томонидан прогноз қилинмоқда. Уларнинг таҳлилига кўра, атмосфера ҳавосида чанг-ғуборлар яқин кунлар ичида сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд.

— Бундай табиат ҳодисаларини чўл ҳудудларда кузатганмиз, лекин тоғли ҳудудларда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳеч қачон рўй бермасди, — деди Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўлими бош мутахассиси, биология фанлари номзоди Ҳожимурод Топилов. — Бу ҳолат чўлланиш, иқлим ўзгариши каби экологик муаммоларнинг тобора ривожланиб бораётганини намоён этади. Ўртимизда ҳар йили чўлланишнинг олдини олиш мақсадида юз минглаб гектар майдонда янги ўрмонзорлар барпо этилади. Масалан, шу йил баҳор фаслида олти юз минг гектар майдонда янги ўрмонзорлар ташкил этилди. Чўл шароитида саксовул, қандим, черкез каби қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар, тоғлардан бодом, pista каби минтақа экотизимини яхшилайдиган дарахт кўчатлари экилади. Келажакда яшил ҳудудлар-

ҳомилалар аёллар ва ёши катта инсонлар ҳам бундай вазиятда эҳтиёткор бўлиши тавсия этилади.

Агар юртдошларимизда ташқи муҳитдаги чанглар туфайли нафас қисиши, бурун битиши, аксириси, бурун оқиши, кўзларда, томоқда қичишиш ва қизариш, кучли қичишиш, қичишиш билан кузатиладиган йўтал белгилари юзага келса, тезда аллерголог шифокорга мурожаат қилиш лозим. “Тез ёрдам” ҳодимлари ҳам аҳоли хизматига шай.

— 3 ноябрь куни “Тез ёрдам” хизматига булган жами қаҳирқлар сони 3433 тани ташкил этганди, — дейди Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори Дониёр Бўрибоев.


— 4 ноябрь куни эса бу кўрсаткич 4082 тага етди. Шундан 678 таси бевосита нафас қисиши билан боғлиқ мурожаатлардир. Ушбу беморларга

бригадамиз томонидан биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, маълум қисми шифохоналарга ётқизилди.

Эслатиб ўтамиз, юртимиз аҳолиси бундай об-ҳаво шароитида зарурат сезганда, “103” хизматига мурожаат қилиб, туну кун сифатли тиббий ёрдам олиши мумкин. Бундан ташқари, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудлардаги 13 та филиали ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари зарур дори-дармонлар билан етарли миқдорда тўлиқ таъминланган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “1003” қисқа рақамли Call-маркази фаолият кўрсатмоқда, дейилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати маълумотида.

Экологик офатнинг ечими борми?

Нима учун чанг бўронлари хавфли? Бундай аномал шароитда ҳар қандай соғлом инсон ҳам ўзини ноқулай ҳис қилади. Чунки ҳавода чанг миқдорининг ортиси қислотларнинг камайишига сабаб бўлади ва нафас олишга қийналади.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ноқулай об-ҳаво шароитида саломатликни асраш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган тавсиялар билан чиқди. Унда қайд этилишича, бундай вазиятда имкон қадар очик ҳавода юрмаслик зарур. Айниқса, бронхиял астма, аллергик ринит, аллергик конъюнктивит, томоқ қичишиши билан кузатиладиган йўтал, бронхит, бронхлар гиперреактивлиги ва бошқа нафас йўли сурункали касалликлари бор инсонлар ташқарига чиқмаслиги керак.

ни барпо этиш билан боғлиқ бундай ишларни янада кенгайтириш олдимиздаги муҳим вазифадир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги: имкон қадар очик ҳавода юрмаслик зарур

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ноқулай об-ҳаво шароитида саломатликни асраш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган тавсиялар билан чиқди. Унда қайд этилишича, бундай вазиятда имкон қадар очик ҳавода юрмаслик зарур. Айниқса, бронхиял астма, аллергик ринит, аллергик конъюнктивит, томоқ қичишиши билан кузатиладиган йўтал, бронхит, бронхлар гиперреактивлиги ва бошқа нафас йўли сурункали касалликлари бор инсонлар ташқарига чиқмаслиги керак.

— Чунки бундай ҳаво таркибида чанг билан бирга, ўсимлик чанги, замбуруғ споралари жуда катта концентрацияда бўлади, — дейди Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Илмира Розикова. — Шу боис, ҳасталиги бор кишилар шифокор назоратида даволаниши лозим. Ним таъсир қилувчи тузли сув билан томоқ ва бурунларни чайиш, хоналарни ёпиқ сақлаш, ҳўл соқилқари хоналарга омиш, каттароқ симили идишларга сув солиб қўйиш зарур. Очик ҳавода, албатта, тиббий ниқоб тақиб юриш ва уларни ҳар икки соатда алмаштириш шарт. Ёш болалар,

бўлиб келди. Юртимизда ҳар йили баҳорда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ўтказилди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан оммавий ҳашарлар уюштирилди. Бу тадбирларда миллионлаб туپ кўчат экилгани ҳақида маълумот берилди. Бироқ яшил ҳудудлар кенгайиши амалда деярли кўзга ташланмади.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида бу ҳусусда тўхталиб, “Шунча йилларда “қоғозда” экилган дарахтларни ҳисобласа, Ўзбекистонда бўш жой қолмаслиги керак эди. Тизим, қарор бўлмагани учун экилганининг ҳам кўли қуриб кетди”, дея таъкидлади. Эндilikда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини пухта тайёрларлик билан, пули, эгаси, суғориш тизими орқали амалга ошириш вазифаси кўндаланг қўйилди.

Мутахассислар таъкидлашча, **битта дарахт бир йилда 120 килограмм қиспород ишлаб чиқаради. Бу тўрт нафардан иборат битта оилани тоза ҳаво билан таъминлаш учун етарли.** Чўл ҳудудларда барқ утари турган бир туپ ўрта ёшли саксовул дарахти ўз илдири билан 10 тоннагача кўмни ушлаб қолиши мумкин. Шунингдек, илмий тадқиқотларга кўра, 2 ёшли саксовулзорда шамол 20 фойзгача, 6 ёшли саксовулзорда 80 фойзгача пасаяр экан. 7 ёшли саксовулзорда шамол умуман тўхтаб, атмосферанинг чанг-қум ва туз билан ифлосланиши 6 баробар камайд. Бир гектарда 4 ёшли саксовулчеркез ўрмонзори бир йилда 1158 килограмм ис газини ютиб, 835 килограмм қиспород ажратади.

Яшил майдонларнинг табиат муваффақлигини асраш ва экологик муваозанатни сақлашдаги ана шундай аҳамияти инобатга олиниб, охириги 5 йилда юртимизнинг чўл ҳудудларида, жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 1,5 миллион гектар майдонда яшил қоплама ўрмонзорлар, суғориладиган ерларнинг четларига 7 минг гектар майдонга ихота дарахтзорлари экилди. Аммо бугунги глобал экологик муаммолар билан курашиш учун бу ишларнинг ўзи етарли эмаслиги аққол намоён бўлмоқда.

Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан яшил ҳудудларни кенгайтириш билан боғлиқ изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўмита матбуот хизмати маълумотига кўра, шу мақсадда кўчатхоналар ташкил қилиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Қўмитанинг Тошкент вилоятида жойлашган Дархон тажриба станциясида 24 турдаги ноёб дарахт кўчатларини етиштириш амалга оширилди. 2022 йил якунигача ҳар бир вилоятда 2 тадан интенсив кўчатхоналар барпо қилиниб, йирик ҳажмдаги кўчатларни контейнер идишларда етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 2022-2026 йиллар мобайнида республиканинг умумий ер майдонидан ўрмон билан қопланганлик даражасини 6 миллион гектарга, яъни 2 баробар кенгайтиришга эришилди.

— Бу хайрли ишларга биз ҳам ўз улушимизни қўшмоқдамиз, — дейди Бектемир тумани “Хўсайин Бойқар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азиз Эгамов. — Маҳалламизда бир гектардан кўпроқ тадландиқ жойда сайилгоҳ барпо этилмиш. Экилган ҳар бир кўчатни ундириб олиш ва юртимизнинг мақсад қилганмиз. Зеро, бу ниҳол келажакда катта дарахтга айлansa, аввало, ўзимиз, қолаверса, келажак авлодларининг учун соф ҳаво манбаи бўлади. Шу боис, “Долзарб 40 кунлик” да ҳар бир юртимизнинг фаол қатнашишига, ҳисобот учун эмас, соғлом келажак учун ниҳол қадарга чакирмиш.

Дарҳақиқат, бугунги глобал экологик жараёнлар инсониятни табиат билан муносабатда янада оқил ва меҳрли бўлишга ундамоқда. Зеро, табиат ягона яшаш маконимиз, ҳаётимиз узвийлиги асосидир. Бугун мамлакатимизда давом этаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси экологик барқарорлик йўлида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни қучайтириш, экологик муаммоларга оқилона ечим топишга замин бўлади.

**Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



мани “Мурувват” массивида бу йўналишда қилинган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида туман, шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари, вазирликлар мутахассислари янги тажриба билан бевосита танишди.

Бу массивда 71 та уй, мактаб, богча ва тиббиёт муассасалари, савдо-маиший иншоотлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳудудлари ҳам ташкил этилган. Ёшлар учун алоҳида саноат зонаси, иссиқхоналар барпо этилган, деҳқончилик учун ер участкалари ажратилган. Аҳоли ўз яшаш жойидан узоққа бормай, иш билан таъминланаяпти. Албатта, бу имконият халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, бандликни таъминлашда ўз самарасини бермоқда.

Келгусида бу тажриба бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилади. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивлари бунда муҳим ўрин тутади. Келгуси беш йилда уларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади. Йиғилишда шу борадаги бунёдкорлик ишларининг ташкили, молиявий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилиши кераклигини таъкидлади. Яъни ҳар бир массивда саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектилари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади. У ерда одамлар ҳам уйли, ҳам ишли бўлади. Айнаи пайтда туман (шаҳар) марказларига яқин ҳудудларда “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этишга тайёргарлик бошланди. Хусусан, тегишли вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди, ер майдонлари танланди. Бунда, асосан, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ва суғорилмайдиган ер майдонларини танлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, мазкур ер майдонларида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжудлиги, уларнинг қувағи ва дислокацияси масалалари ҳам эътиборга олинди. Дастлабки босқичда қуриш учун ҳар бир

ниш режалаштирилган. Лойиҳаларга ўзгаришлар киритилиб, уларнинг цоқол қисмида коммунал квартираларни барпо қилиш ҳам кўзда тутилган. Арзон коммунал квартиралар ҳокимликлар уй-жой фонди балансига олиниб, кам даромадли ва эҳтиёжманд оилаларга ижарага берилди.

Бундан ташқари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирликлари билан биргаликда 2022 йилда уй-жойлар қуриш дастури лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Дастлабки режага кўра, барча йўналишлар бўйича жами 43 минг хонадонли уйлар қуриш мақсад қилинмоқда. Ҳужжат лойиҳаси билан уйлар қурилиши учун ер ажратиш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш, буюртмачи ва пудратчиларни аниқлаш, молиялаштириш, ипотека кредитларини ажратиш, металл ва цемент билан таъминлаш, ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилма объектиларини қуриш масалалари ҳал этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, видеоселектор йиғилишида уй-жойлар нарҳини камайитириш учун давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилиши алоҳида қайд этилди. Субсидиялар ажратиш бўйича янги тизим яратиладиган бўлди. Қурилиш ташкилотларига марказий банк ставкасидан юқори бўлмаган фойзда кредит ажратиш топшириғи берилди.

Ҳар бир массивнинг батафсил лойиҳасини ишлаб чиқиш, муҳандислик тармоқларини массивга олиб келиб беришга эътибор қаратилди. 2022 йилда қуриладиган уйларнинг нарҳини 2021 йилда барпо этилган уй-жойлар нарҳидан оширмаслик бўйича ечимлар аниқ кўрсатиб ўтилди.

Табиийки, бу чора-тадбирларнинг барчаси инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, пировардида халқимизнинг розилигига эришишда мустаҳкам замин бўлади. Энг муҳими, инсон қадрини уларнинг қувағи ва дислокацияси масалалари ҳам эътиборга олинди. Дастлабки босқичда қуриш учун ҳар бир



ХОТИРА — МУҚАДДАС

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ФАҚАТ ЯХШИЛИКДИР



Жиззах вилоятида Бўстон деган мўъжазгина шаҳарча бор. Ўтган асрнинг 70-йилларида тамал тоши қўйилган ушбу маскан ўша пайтларда Жиззах чўлини ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишларни мувофиқлаштириб турган ўзига хос марказ эди. Табиийки, шу даврда Ўзбекистонни бошқарган атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов бу ерга бир неча марта ташриф буюрган, ҳатто шаҳарчани собиқ иттифоқнинг намунали аҳоли яшаш масканларидан бирига айлантиришни орзу қилган эди. Айтиш керакки, бу режа ва ниятлар ўша пайт қисман бўлса-да, амалга ошди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти сифатида фаолият бошлаган илк кунларданок элу юртимизга меҳнати сингган инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ўтганлар хотирасини улуғлашга алоҳида эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”-ги қарори бўтун ўзбек халқи умид билан кутган хушхабар бўлди. Юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг бир асрлик бўйлеининг нишонланиши, вилоятдаги йирик туманлардан бири у кишининг номи билан аталиши барчани беҳад қувонтирди.

Айниқса, Ш.Рашидовнинг оня юртида ташкил этилган катта юбилей тантаналарида Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши жиззахликларнинг қалбида чексиз миннатдорлик туйғуларини юксалтирди. Президентимиз Жиззахда Шароф Рашидов ҳайкали очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда “Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир. Бу инсон яшаб фаолият юритган дамлар мураккаб, зиддиятли давр эди. Шароф Рашидов шундай шароитда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди”, дея алоҳида таъкидлади.

Бугун биз юқорида тилга олган Бўстон шаҳарчасида Шароф Рашидов билан шахсан учрашган, у киши билан суҳбатлашишга муяссар бўлган юртдошларимиз кўп.

Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш, ушбу ҳудудларнинг обод масканга айланишига ўзига хос ҳисса қўшган инсонлардан бири меҳнат фахрийси Қувондик Абдураззоқовдир.

— 1963 йили тунда машинада пахта тераёт-гандим, — дея хотирлайди Қувондик бобо. — Ўша пайтда 19 ёшли йигит эдим. Пахта майдонининг четига етганимда чироқлари ёниб турган учта енгил машинага кўзим тушди. Ишни тўхтатиб, улар томон бордим. Машиналар олдида турган хўжалик ва туман раҳбарини танидим, учинчи одам кўзимга иссиқ қилди, аммо кимлигини дарров эспай олмадим.

— Шароф ака билан кўриш, Қувондик, — дея менинг мушкулчини осон қилди бўйжалик директори.

Қувондик Абдураззоқов шу кунни биринчи марта Шароф Рашидов билан кўл олиб кўришди. Республика раҳбари унинг ҳаёти, режалари билан қизиқди. Атиги 7-синф маълумоти борлигини эшитиб, кечки мактабда ўқиб, ўрта маълумотли бўлишга ундади. Бу топшириқнинг бажарилишини ўз назоратида олиб, кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олишига бевосита сабабчи бўлди.

— Орадан 10 йил ўтиб, Тошкентда, ёш механизаторлар анжуманида Шароф акага яна бир марта рўпара келдим, — дейди меҳнат фахрийси. — Олий маълумотли бўлганимни, севимли ишим билан шуғулланаётганимни, ҳаётимдан мамнун эканимни айтдим. У киши эса: “Инсон ҳеч қачон эришган натижалари билан чекланиб қолмаслиги керак, ҳозир энг ишлайдиган пайтларинг”, деди галимга жавобан. Эртаси кунги Шароф Рашидовнинг тавсиси билан Жиззах чўлида янги очилган давлат хўжалиги раҳбари сифатида фаолият бошладим...

1979 йил ёзида, галла ўрим-йғими қизгин паллага кирган кунларда оммавий ахборот воситаларида бундай мазмундаги янгилки чоп этилган эди: “Ўзбекистоннинг оддий қишлоқ аёллари комбайндо галла ўрмоқда. Зоминлик 20 ёшли қиз Зулайҳо Сатторова “Нива” комбайни рулига ўтирди. У бир кунлик топшириқни 2 ҳисса ортиги билан бажаради. Республика раҳбари Шароф Рашидов механизатор қизнинг ишини шахсан кузатди”...

— Касбимга меҳр отамдан юққан, — дейди Зулайҳо опа. — Чунки падали бузуруқворим бир умр қишлоқ хўжалиги техникасини бошқарди. Мен мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ отамдан ажралмас эдим. Далада ишлаётганда овқат олиб бориб, тушлик қилаётган маҳал тракторга ўтириб

олардим. Отам қизиқишимни қўллаб-қувватлади ва мен ҳам ёшлигимдан техника бошқардим.

Ўша пайтлари газета ва журналларда техника бошқараётган хотин-қизлар ҳақида ёзиш урфга кирган эди. Кейинчалик бу хабарларнинг кўпчилиги ёлгон экани ошкор бўлиб қолди.

Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов Зулайҳо Сатторова ҳақидаги хабарларнинг ҳақлигига шахсан ўзи гувоҳ бўлиш истагида 1979 йилнинг ёзида “Ударник” совхозига боради.

— Қизим, қани энди ишингни бир кўрай-чи, — деган экан ўшанда Шароф ота.

Зулайҳо комбайн рулига ўтириб, галла ўримига тушиб кетади. Механизатор қизнинг ўзини туттиши, ишончли хатти-ҳаракатидан завқланган республика раҳбари унга орқа томонига “Шароф Рашидовдан Зулайҳо Сатторовага: “Ҳосил-79” деган ёзуви бор тилла соат тақдим этади.

— Шароф ота билан кейин ҳам бир неча марта учрашдим, — деб эспайди Зулайҳо Сатторова. — 1983 йил октябрь ойида Жиззахга ташриф буюрган Шароф Рашидов “Мен қўлига тилла соат таққан қиз ҳозир қаерда?” деб сўраб қолибди. Ўша пайтда янги ташкил топган Зарбдор туманидаги пахтачилик бригадасини бошқараётган эдим. Ота яна менинг даламга ташриф буюрди. Янги соҳада ҳам муваффақият қозонаётганим, машинада пахта тераётганим у инсон қалбига мамнунлик бахш этганига ишонаман.

Шароф Рашидов ҳақидаги битиклар, турли ташрифларда бу инсонга ҳамроҳ бўлган кишилар, ҳатто бундай зиёратларни четдан туриб кузатган шахслар ҳам унинг камтарин ва камсуқум инсон бўлганини айтади. Ота ортиқча дабдаба, алоҳида эътиборни хушламаган.

— Шароф Рашидовнинг далада қозонда тайёрланаётган таомнинг тузини татиб кўрганимга гувоҳ бўлганман, — дейди Жиззах чўлида ишчилар таъминоти соҳасида кўп йиллар ишлаган меҳнат фахрийси Суннат Қурбонов. — У дастурхонни тарк этар экан, ҳар биримизга миннатдорлик билдирар ва, албатта, “берган тузингизга рози бўлинг” дейишни қанда қилмасди.

Бугун Шароф Рашидов тўғрисида ўз хотиралари билан ўртоқлашган юртдошларимизнинг барчаси ўта қийин ва мураккаб даврда Ўзбекистонни қарийб чорак аср бошқарган раҳбарнинг юксак фазилатли, маданиятли, маънавияти бўй инсон бўлганини эътироф этади.

— Ўша пайтлари биз кучга тўлган, орзулари осмон ёшлар эдик. Шароф ота эса катта ҳаёт оstonасида турган ёшларга алоҳида эътибор қаратар, ғамхўрлик қиларди, — дейди Зулайҳо Сатторованинг турмуш ўртоғи, ёзувчи Абулқосим Мамарасулов. — Доно ва узоқни кўзлаган раҳбарларга хос ушбу хислатни бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сай-ҳаракатлари, амалга ошираётган хайрли ишларида кўриб турибмиз. Давлатимизнинг бугунги раҳбари ҳам ёшларга барча соҳаларда катта ишонч билдирмоқда, суяномқода. Шубҳасиз, ана шу ишонч оқланади, самарасини беради...

“Чўлқувларлар маскани” деб ном олган Бўстон шаҳарчаси бугун ўз номига муносиб бўлиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан давом этаётган кенг қўламли “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари амали ушбу шаҳарчада ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Кейинги уч-тўрт йил ичида Бўстонда 600 та янги иш ўрни яратилган иккита тўқимачилик корхонаси, Жиззах давлат педагогика институти филиали фаолият бошлади. Намунали лойиҳалар асосида 100 дан ортиқ уй-жой барпо этилди. Уқувчи ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга мўлжалланган махсус мактаб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт маскани, мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилди.

Энг муҳими, шаҳарчада истиқомат қилаётган 20 мингга яқин кўп миллатли аҳолининг онгу шуури ўзгараётди. Улар Ўзбекистонда рўй бераётган тарихий ўзгаришларга ўзларини дахлдор ҳис этмоқда!

**Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Жараён

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Энг сўнгги илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш иқтисодиёт тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига асосан, иқтисодиёти жадал ривожланаётган туманни инновацион ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилган эди. Ҳужжатга кўра, юртимиздаги 13 та туман ана шундай ҳудудга айлантирилди. Бундай ёндашув инновацияларни олис ҳудудлардаги аҳолига етказиш ҳамда маҳаллий олимлар яратган ишланмалар орқали одамларнинг оғирини енгил қилишда яхши самара бермоқда. Айни пайтда ёшларнинг янги технологияларга бўлган қизиқиши ортиб, уларни бугунги кун учун долзарб лойиҳалар устида ишлашга ундаяпти.



ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИДА ЯРАТИЛГАН ИННОВАЦИЯЛАР

Бухоро вилоятининг Ромитан туманини ҳам инновацион ҳудудга айлантириш белгиланган бўлиб, дастур доирасида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқариш татбиқ этилмоқда.

— Бугунги кунда Ромитан инновацион ҳудудида умумий қиймати 10,9 миллиард сўм бўлган жами 15 та инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда, — дейди Бухоро вилояти Инновацион ривожланиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Азамат Наимов. — Шундан 10 та лойиҳа тижоратлаштирилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Шунинг билан айтиш керакки, инновацион технологияларга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш натижасида ёш олимлар сафи тобора кенгаймоқда. Улардаги изланувчанликни кўриб



хурсанд бўламан. Янги ғоялар илм-фан, кишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва экологияда ечимини қутаётган муаммоларни бартараф этишда яхши натижа беради.

Бугун ихтиролар, нанотехнологиялар барча соҳаларни қамраб олмақда. Улар шу даражада жадаллашгани, бирига қўнғил улгурмасимиздан янги тури пайдо бўляпти. Бу яхши, албатта.



Тупроқ таркибида ҳаракатчан озик элементлари мавжуд. Унинг физик-кимёвий таркибини таҳлил қилиш лабораторияси орқали ушбу элементларни аниқлаш мумкин. Жондорлик Турғун Усмонов ёз ойларида то баҳор фаслигача бўлган вақтда туманлардаги тупроқлардан намуналар олиб, ундаги озик элементларининг ўзгаришини ўрганмоқда.



Инновациялар қайси соҳага татбиқ этилса, ўша соҳанинг ривожга кучаяётганига гувоҳ бўляпмиз.

Тиббиётта оид янги лойиҳалар касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, даволашнинг самарали усулларини амалга ўтказиш жорий қилиш билан аҳамиятли. Маҳаллий олимлар томонидан яратилган инновацияларнинг қўлланилиши бир қатор қулайликлар яратиш баробарида импорт ҳисобига кириб келаётган маҳсулотлар ўрнини қоплаб, таннархнинг пайсийида муҳим омил бўлади.

ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАР

Қандли диабет жаҳонда энг кенг тарқалган сурункали касаллик бўлиб, дунё миқёсида йилга 5-7 фоизга кўпайиб бормоқда.

Диабетга чалинган беморларнинг кўпчилиги оёқларида пайдо бўладиган яралардан азият чекади. Уларда оддий яллиғланиш ҳам жиддий ярага айланиб, ҳатто гангренагача бориш эҳтимоли юқори. Бундай вазиятларда оёқ парвариси ҳамда тўғри танланган пойабзал асосий профилактика воситаси ҳисобланади.

Бухоро туманида яшовчи Мадинабону Мухаммедова лойиҳаси асосида яратилган оёқ кийими бир қатор қулайликлари билан аҳамиятлидир.

— Тўғри танланган профилактик пойабзал оёқ гангренасининг олдини олиш, шикастланиш фозизини қамайтиради, — дейди Бухоро муҳандислик-технология институти доценти М.Мухаммедова. — Шунинг учун беморлар оёғидаги диабетик патология



ди ҳамда пулпоз ядрадаги ортиқча оғирликни бартараф қилади. Шунингдек, улар орасида кучсиз ҳаракат ҳосил қилиб, ядрада модда алмашинуви яхшиланишига сабаб бўлади.

Ибоджон таклиф этаётган маҳсулотда таянч асос мавжуд бўлиб, умуртқа поғонаси остеохондрози ва диск чуррасида тананинг икки томонга сурилиши орқали патологик ўзгарган тўқималар физиологик ҳолатига қайтади. Ҳозирги кунда импорт ҳисобига кириб келаётган бундай маҳсулотлар жуда қиммат, қолаверса, уларда таянч асоси йўқ. Айнан шунинг учун ҳам қутилган натижани бермайди.

— Лойиҳамиз Ромитан инновацион ҳудудида ташкил этилди, — дейди Ибоджон Исмоилов. — Бу орқали нафақат беморларнинг касалликлдан азият чекишлари олди олинади, шу билан бирга, стулда доимий ўтириб ишлайдиганлар таянч ҳаракат органларида патологик ҳолатнинг олдини олдишга ҳам ёрдам беради. Дори-дармонга бўлган сарф камаяди. Биз таклиф этаётган маҳсулот импорт ҳисобига келадиганларидан арзон ва устун жиҳатлари ҳам бор. Ортопедик ва физикацияли корсетларга талаб юқори. Четдан келтирилганларининг ўртача нархи 250 минг сўм. Маҳаллий маҳсулот эса бунинг деярли ярим нархида таклиф этилмоқда. Лойиҳамиз мутасаддилар томонидан синовдан ўтказилиб, қўллаб-қувватланди.

Лойиҳа муаллифи мавжуд маҳсулотларнинг камчилигини ўрганиш орқали самараси юқори бўлган корсет яратиб, “Sash korset” номли М-ҲК ташкил қилди ва илк маҳсулотларни беморларда синаб кўрди.



ЎСИМЛИКЛАРНИ “ЯШИРИН ОЧИК”ДАН АСРОВЧИ ЛАБОРАТОРИЯ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жорий этилаётган инновациялар ҳам мамлакат тараққиётига хизмат қилиши баробарида деҳқонларнинг оғирини енгил қилади.

Тупроқ таркибида ҳаракатчан озик элементлари мавжуд. Унинг физик-кимёвий таркибини таҳлил қилиш лабораторияси орқали ушбу элементларни аниқлаш мумкин. Жондорлик Турғун Усмонов ёз ойларида то баҳор фаслигача бўлган вақтда туманлардаги тупроқлардан намуналар олиб, ундаги озик элементларининг ўзгаришини ўрганмоқда.

Аваллари бир экинни экиб, йиллаб ҳосилини қутиб, бизнинг тупроққа мос келмади, дея ҳафсалапи пир бўлган деҳқон ва фермерларимиз учун Турғун ака ташкил қилган лаборатория яхшигина дастёр бўла олади. Тупроқ таҳлили ўтказиб, ўсимликларни стресс — “яширин очлик” ҳолатига туширмасдан, зарурий минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиклантириш мумкин. Бу эса 50 фоиз ва ундан кўпроқ ҳосилни сақлаб қолиш имкониятини беради.

— Ҳозир экинларнинг тури кўпайган, — дейди Турғун Усмонов. — Қолаверса, мева-сабзавотларнинг экспортбоп навларини бошқа давлатлардан олиб келиб, ўлкамиз иқлим шароитига мослаштириш ишлари ҳам жадаллашган. Бу жараёнда тупроқнинг имкониятларидан келиб чиқиб, экин экиш муҳим босқич саналади. Биологияси, тупроқда фойдали элементларнинг тарқалиши турлича. Баъзиларида пастта йўналса, баъзи турларида ён томонларга қараб йўл олади. Ўсимликларнинг илдиз тизими қанақа экани, озуқани қандай олишига қараб, айнан қайси экин яхши самара беришини аниқлаймиз ва алоҳида экин турларини жойлаштириш бўйича миришкорларга йўриқнома берамиз. Автоматлаштирилган дастурий комплекс ёрдамида тупроқ физик-кимёвий таҳлил қилинади, шундан сўнг экинларни оптимал озиклантириш учун талаб этиладиган макро-микро элементлар миқдори бўйича таҳлил натижаси тақдим этилади.

Турғун ака айтётган усул тупроқни баҳолаган ҳолда, ҳосилдорлиқни босқичма-босқич ошириб бориш имконини беради. Биргина Жондор туманида 300 гектардан ортиқ иссиқхона хўжалиги мавжуд. Лаборатория натижаларининг яна бир муҳим жиҳати — тупроққа айнан қайси минерал ўғит зарурийлиги аниқланиб, талаб этилганларни далага киритилмайди. Ўз-ўзидан маълумки, ўғитлар учун сарфланадиган маблағ иқтисод қилинади.

Ўнға экин иш ўрни яратилган “Soil Bio Lab” МҲФ фаолияти орқали тупроқдаги маълумот касалликларни эрта аниқлаш ва уларга қарши чора қўриш имкони ҳам мавжуд. Ерларни шўрланиш даражасини яхшилаш, сувларнинг экинлар ва тупроққа таъсирини аниқлаш, энг асосийси — тупроқнинг таҳлилига қўра, ҳудудлар харитасини тузиш орқали кишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш лабораториянинг энг катта ютуқларидан дейиш мумкин.

Инновацияга, янги ғояга таянган ҳар қандай соҳа тараққий этади. Шиддат билан ривожланаётган даврда янги фикрларнинг аҳамияти катта. Инсон тафаккури кенг, унда бутун дунё акс этиши мумкин. Демак, башариятга тегишли муаммоларнинг ечими ҳам ақл-заковату, шууримиз орқали топилади.

**Феруза ЖўРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЖАҲОН СТАНДАРТИГА БЎЙЛАШАЁТГАН

ТИББИЙ МАРКАЗ

ТИББИЁТ

Инсон саломатлиги ҳамма замонларда мамлакатнинг энг катта бойлиги, оила, жамият ва мамлакат ривожининг таянчи бўлиб келган. Шу боис, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш, тиббий сизматнинг сифатини давр талаблари даражасига кўтариш кун тартибидоги мунтазам масала бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ ислохотлар, саъй-ҳаракатлар, айниқса, сўнгги 4-5 йилда кенг бўй кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Яшнобод туманида бунёд этилган Болалар миллий тиббий маркази болалар саломатлигига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Марказ тиббиёт ва илм-фаннинг сўнгги ютуқларига таяниб фаолият юритадиган, педиатрия, диагностика ва реабилитация бўйича ихтисослаштирилган кластер шаклидаги, замонавий тиббиётнинг барча йўналишларини ўз ичига олган ноёб лойиҳа ҳисобланади. Айни пайтда муассасада оғир ҳасталикларга чалинган болаларда жаҳон стандартлари даражасида мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилиб, соғлом ҳаётга қайтарилмоқда.

Болалар миллий тиббиёт маркази хирургия, кардиохирургия, интервенцион кардиохирургия, урология, нейрохирургия, неврология, молекуляр генетика ва эндокринология, пластик жарроҳлик, офтальмология, ЛОР, гемато-онкология, нефрология, пульмонология ва гастроэнтерология йўналишларида фаолият кўрсатиб келади.



— Марказ ўз фаолиятини бошлаганидан буён жаҳон стандартлари ва юқори технологияларга асосланган даволаш усулларини қўллаш орқали юқори натижаларни намойиш қила олди, — дейди нефрология бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Баҳром Маматкулов. — Республикаимизда илк бор шу ерда болалар молекуляр генетика бўлими ташкил этилди. Бу эса ирсий касалликларни эрта тахсислаш, олдини олиш, молекуляр генетикага асосланган текширув ўтказиш, зарурат бўлганда ёндош соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда самарали даволаш имконини беради. Молекуляр генетик лаборатория ирсий касалликларни ҳомила вақтидаёқ молекуляр даражада тахсислаш дунё тиббиётидаги жуда самарали, ноёб усул ҳисобланади.

Митти юракни даволаш учун хорижга бориш шарт эмас

Хирургия йўналишида қўлланилаётган янги усуллар жарроҳлик амалиёти-сиз тузалмайдиган, туғма нуқсон билан дунёга келган болаларнинг тақдирини ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўтказилаётган жарроҳлик амалиётлари жаҳон стандартларига мос, юқори техноло-



гияларга асосланган. Унинг афзаллиги шундаки, танани имкон қадар кичик ўлчамда кесган ҳолда, катта ҳажмдаги жарроҳлик амалиётни кам вақт ва кам харажат билан самарали бажариш мумкин. Бунда операция билан оғриқ

минимал даражага туширилади, бемор тезроқ соғаяди ва энг асосийси, даволашда юқори самарага эришилади. Тўғри, олдин ҳам бундай амалиётлар ўтказилган, аммо ҳозир жуда кичик ёшдаги болаларда ҳам туғма юрак нуқсони муваффақиятли бартараф этилаётгани катта ютуқдир.

— Баъзи чақалоқларнинг юраги бошқаларникидан анча фарқ билан шакланган, содда қилиб айтганда, нуқсонли бўлади. Биз ўша фарқни жарроҳлик усули билан бартараф этиб, нуқсонсиз ишлайдиган юракка айлантирамыз, — дейди туғма юрак касалликлари бўлими бошлиғи Отабек Каримов. — Масалан, эндигина дунё юзини кўрган икки-беш кунлик чақалоқлар кўкрак қасаси, қорин бўшлиғидаги туғма нуқсонлар ҳам инвазив ва самарадор бўлган тороскопик, лапароскопик усулларда, қорин ёки кўкрак қасасини очмасдан бартараф этилапти. Табиийки, бу аввало, бемор болалар ота-оналарига умид бағишлайди, хотиржамлик беради. Муваффақиятли операциядан кейин уларнинг қувонганини кўриш, миннатдорлигини эшитиш бизни ҳам жуда мамнун этади. Жарроҳлик амалиёти-сиз тузалмайдиган беморларни оёққа турғазини-да чинакам фидойи шифокорларимиз ҳар бир болага алоҳида ёндашув ва эътибор билан муносабатда бўлади. Асосан, хорижнинг етакчи клиникаларида тахсил олиб қайтган жамоанинг энг катта ютуғи ҳам бир ёқадан бош чиқариб ишлашида.

Юрак жарроҳлиги жамоа бўлиб ишлашни талаб қилади. Бу битта кардиолог ёки жарроҳнинг эмас, бутун бир жамоанинг иши. Авваллари жарроҳ билан анестезиолог ёки интенсив бўлим ўртасида муаммо пайдо бўлиши, мутахассис етишмаслиги боис, жуда кичик ёшдаги, оғир аҳволдаги болаларнинг ҳолатига тўқис жавоб бера олмасдик. Эндигида турли сабабларга кўра, операция қилиш имкони бўлмай қайтариб юборилган болаларнинг ота-оналари ҳам бизга мурожаат қилади. Албатта, ҳасталикларнинг ҳатти-ҳаракати даражаси турлича бўлади, биз катта масъулиятни зиммамизга оламиз. Имкониятларимиз, яхши мутахассисларимиз бўлгани ҳолда, ота-оналарнинг бизга бўлган ишончидан ҳам руҳланамиз. Жамоа бўлиб, бир-биримизни тушуниб ишлашимиз муваффақият гарови бўлмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида фаолият бошлаган янги бўлимда шу кунга қадар 300 дан ортиқ юқори технологик операциялар амалга оширилди. Аксарият беморлар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари. Уларга имтиёз асосида, бепул давола-нишга имконият яратилган. Кам учрайди-ган, оғир хаста фарзандини чет эл туғул, ҳатто ўзимизда даволатишга имкон топа олмаган ота-оналар учун бундай шароит яратилгани, ғамхўрлик кўрсатилаётгани юртимиздаги инсонпарварлик сиёсатининг юксак кўриниши.

— Қизим Моҳира 15 ёшда. Ўтган йили оёғи ревматизм бўлиб, касалхонага тушиб қолдик, — дейди Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, “Узунқишлоқ” МФИда истикомат қилувчи Гулчирай Танибердиева. — Шу пайтгача юрак нуқсони борлигини билмасдим. Ваҳоланки, у спортнинг таъкиддо тури билан шуғулланарди. Машғуллот пайтида йиқилиб, тоби қочиб қолди. Шифокорлар унда юрак нуқсони борлигини айтди. Қизимни даволатиш учун олиб бормаган жойим қолмади. Аммо ҳамма жойда энг катта ва оғриқли муаммо — моддий етишмовчилик сабаб яхши даволатолмасдим. Ўзим “Темир дафтар”да тураман, бокучим йўқ, ёлғиз аёлман. Бундан ташқари, 8 яшар ўғлим бор, шароитим оғир, кўмакка муҳтож эдим. Шу кунгача кўп азоб чекидик.

Вақтида дори-дармонларини етказиб бера олмадим. Болалар миллий тиббиёт маркази ҳақида эшитиб, шу ерга келишга қарор қилдим. Маҳалла, ҳокимият томонидан ажратилган ордер билан фарзандимни ушбу марказга олиб келдим. Шифокорлар аввалига ўн кун муолажа қилди, сўнгра жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Яратганга шукр, ҳавф ортда қолди. Тасаввур қилинг, Ўзбекистонда шу касалхона бўлмаганида хорижга боришга тўғри келарди, бунга эса умуман имкониятнинг етмас, қизимни йўқотиб қўйишим мумкин эди. Бу ерда барча дори-дармонлар бепул, ҳамма шароит яратилган, дўхтирлари тажрибали, қуюнчак. Фарзандимни қайта бағримга босиш имконини берган шифокорлардан, катта имкониятларга эга шундай клиника ташкил қилингани учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдорман...

Туғма юрак нуқсони билан туғилган, давлат бюджети ҳисобидан текин даволанаётган беморлар кўпчилигини ташкил қилади. Худди шундай жарроҳлик амалиётини чет давлатда амалга ошириш учун ўн баробар кўп сарф-харажат талаб қилинади. Бу тиббиёт муассасаси ҳар жиҳатдан олганда ҳам хорижникидан қолишмайди.

Марказ фаолиятида тиббиётнинг деярли барча йўналишларида энг инновацион, жаҳон стандартлари даражасида олиб борилаётган юқори технология амалиётлар келажак авлод саломатлигини асраб-авайлаш, мустаҳкамлашга қаратилаётган катта эътибор намунасидир. Айнан бу борадаги шундай меғалойиҳа



натижасида — илк бор ушбу шифо мас-канида кўлаб хаста юраклар яна ҳаёт нафасини тўла ҳис қилмоқда.

Фан ютуқлари ва ҳамжиҳатликка таянган жамоа

Ҳар қандай ота-она фарзандининг тўрт мучаси соғ, маънан баркамол бўлишини истайди. Аммо умуман касал бўлмасликка ҳеч ким қафолатланмаган. Тўғри, дунё тиббиёти жадал ривожланиб борапти, аммо даволаш, олдини олиш қийин бўлган касаллик турлари ҳам оз эмас. Айниқса, гемато-онкологик касал-ликларни даволаш тиббиётнинг оғриқли нуқталаридан бири.

Маълумки, бу хавфли касалликнинг олдини олишда уни эрта аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда эса, замонавий тиббиётнинг катта ютуқларидан бири — ядро физикаси ютуқларини тиббиётга татбиқ қилиш, яъни нуклеар тиббиётнинг ўрни алоҳида. Нуклеар тиббиёт орқали организмда ҳали ҳужайра даражасида бўлаётган патологик ва биологик ўзгариш-ларни аниқлаш мумкин.

Марказда яқин кўнларда қўлланиши кўзда тутилган ПЭТ-КТ (Позитрон эмиссион компьютер томография) — саратон тахсисини қўйиш учун самарали ва замонавий усул.

— Болаларда онкологик жараёнларни барвақт диагностика қилиш тиббиётнинг долзарб муаммоси ва улкан ютуқларидан биридир, — дейди нуклеар бўлими бош-лиғи Ақром Ҳикматов. — Инсон органи-змига радиоактив модда юборилганидан сўнг, ҳужайрада патологик бўлиниш бош-ланиб, унинг тўпланиш даражасига қараб кейинги даволаш жараёни белгиланади. Яъни, ҳужайрадаги бўлиниш ўсма касал-ликларининг илк белгиларини аниқлаш имконини беради. Аҳамиятисини, бошқа воситалар — ультратовуш диагностика-си, рентген, компьютер томографияси, МРТ ёрдамида аниқланмайдиган ўсимта



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!



ўчоқларини мазкур ускунада тахсислаш мумкин.

Клиникада фойдаланилиши кўзда ту-тилаётган яна бир технология — “GE Discovery NM 630” гамма камераси ёрда-мида нафақат онкологик жараёнларни, балки аъзоларнинг ишлаши ва функцио-нал ҳолатини ҳам аниқлаш мумкин. Бун-дан ташқари, гематология ва онкология соҳасида тахсис, лаборатория, даволаш ва интенсив муолажа яхлит бир мажмуа-да ташкил этилган. Ана шу тизим шун-дай касалликларга чалинган болаларни

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА
КЕНГАЙТИРМОҚДА. ЖУМЛАДАН,
УМУМЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР
ГЕМАТОЛОГИЯ-ОНКОЛОГИЯ БЎЛИМИ
МАВЖУДЛИГИ САБАБЛИ ХУДУДИЙ БОЛАЛАР
КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИДА
ҲАМ УМУМЛАШТИРИЛГАН БЎЛИМЛАР
ТАШКИЛ ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН.
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҚОШИДА ЭСА, “БОЛАЛАР
ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯСИ” КУРСИ
ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**



ҳаётга қайтара олди. Барча муолажа ва дори-дармон бепул қилинди. Жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун Ҳиндистон ёки Туркияга боришга маблағ қайда дейсиз. Ҳаммаси учун шифокорларга, клиника-нинг бутун жамоасига раҳмат.

Болалар миллий тиббиёт маркази ўз имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, умумлаштирилган болалар гематология-онкология бўлими мавжуд-лиги сабабли ҳудудий болалар кўп тар-моқли тиббиёт марказларида ҳам умум-лаштирилган бўлимлар ташкил этиш режалоштирилган. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошида эса “Болалар гематология ва онкологияси” курси та-ш-кил қилинди.

Хорижлик ҳамкасбларга елкадош бўлиб

Инновацион ривожланишнинг кейинги босқичи сифатида ҳудудий марказлар-нинг реанимация бўлимларидаги бемор-ларни онлайн режимда доимий назорат қилиш тизими йўлга қўйилган. Бунда шифокор масофадан туриб махсус ти-зим асосида реанимациядаги беморни назорат қилиши, керакли муолажаларни қўллаб, даволаш ишларини амалга оши-риши мумкин. Зарурат бўлганда, телеме-дицина орқали хорижий мутахассислар-ни жалб қилиш шароити яратилган.



ўсмир болаларда учрайдиган ўсма экан, — дейди Тошкент шаҳридан Альбина Малинина. — Биз бу ерга келишдан ол-дин жуда кўп жойларга мурожаат қилдик, нотўғри тахсис туфайли анча қийналдик. Ушбу марказга келганимизда малакали онкологлар бизга умид бағишлади, руҳи-мизни кўтарди. Жарроҳлик амалиёти 11 соат давом этди. Рост, умидимиз сўн-ганди. Йўқ, шифокорлар фарзандимизни

Марказда фаолият кўрсатаётган опе-рация блоки билан вилоят кўп тармоқ-ли болалар шифохоналари ўртасида ўзаро узвий телемедицина йўлга қўйил-ган. Ноёб операцияларни шифокорлар жойларда, вилоятларда онлайн тарзда қўзатишга муваффақ бўлмоқда. Бундан ташқари Корея Республикасининг Ён-сан, Пусан, Сеул университетлари билан ҳамкорлик доирасида бевосита, Корея

Республикасида бўлаётган ноёб опера-цияларни Болалар миллий тиббиёт мар-кази ва бир пайтнинг ўсида вилоят ши-фохоналари шифокорлари ҳам кузатиш имкониятига эга бўлапти.

Хорижлик мутахассислар билан та-ш-кил этилган онлайн маҳорат дарсларига бевосита юртимиздаги вилоят болалар кўп тармоқли шифохоналари шифокор-лари ҳам жалб қилинмоқда. Бу эса улар-га ўзларининг малакасини иш жараёнида оширишига имкон берапти.

Ташқи ресурслар асосида эса хо-риждан келадиган профессорлар билан ҳамкорликда мастер-класс операцияла-рини ўтказиш ва уни ҳудуд марказла-рига узатиш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг июль, август, сентябрь ойларида Корея Республикасининг Пусан университети профессорлари, кардио-жарроҳлари Тошкентга келиб, марказ шифокорлари билан ҳамкорликда икки ҳафта давомида болалар туғма юрак нуқсонлари бўйича ноёб операцияларни амалга оширди. Операция жараёни бевоси-та онлайн тартибда вилоятларда ҳам татбиқ этилди. Қорақалпоғистон Респу-бликаси, Хоразм ва Андижон вилоятлари-да маҳорат дарслари ташкил қилиниб, жойларда ноёб, очик усулдаги операция-лар ўтказилгани мамлакатимизда бола-лар саломатлигига қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Марказда халқаро алоқалар яхши ташкил қилинган бўлиб, KOICA, KOFH халқаро ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликда катта ҳажмда ишлар амалга оширилмоқда. Марказ шифокорларининг касбий малакасини етакчи хорижий кли-никаларда узлуқсиз ошириш, хорижий мутахассисларни ноёб операцияларни юртимизда амалга ошириш учун жалб этиш, оғир онкологик касалликларни да-волаш ва уларни молиялаштириш бўйича катта лойиҳалар асосида халқаро фао-лият юритилмоқда.

Республикаимиз тиббиёт тизимидаги жадал ислохотлар самараси, моддий-техник базанинг мустаҳкамланаётгани, малакали шифокорлар сафининг кў-паяётгани барчамизни бирдек қувонтира-ди. Илгари ривожланган хорижий мамла-катлар шифохоналаридаги ўтказилган мураккаб операция ва даволаш усулла-рининг юртимизда ҳам бажариш имко-нияти кенгаёётгани тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар жадаллашгани тугган йўли-мизнинг тўғри эканидан далолат беради. Зотан, фарзандлари қамолини ўйлаган, халқ саломатлиги учун қайғуриб яшаган элнинг келажиги ҳам ойдин бўлади.

**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Ҳамми йўлдошев олган сураатлар.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ботир Зокиров таваллудининг

85 йиллиги

ЭСТРАДАМИЗНИНГ ЭРТАСИ
ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРГА ЎТАДИМуסיқа фанлари профессионал таълим
даражасига кўтарилади**Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,**
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти ректори:

— Ўзбек миллий эстрада санъати бой тарихга эга. “Эстрада” тушунчаси кириб келгунга қадар ҳам унинг турли жанр ва кўринишлари мавжуд бўлиб, профессионал даражада ХХ асрда шаклланган. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним, Уста Олим Комилов каби санъаткорлар миллий эстрадаларнинг пойдеворига асос солган бўлса, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров профессионал эстрада санъати мактабини яратган.



Машхур “Ялла” гуруҳи, Мансур Тошматов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Кумуш Раззоқова, Озодбек Назарбеков, Козим Қаюмов каби ижодкорлар бевосита Ботир Зокиров яратган миллий эстрада мактаби давомчилари бўлиб, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур жараён ўзига хос тажриба майдони, устоз-шогирд аънаеси, эстрада

санъатининг миллий спецификасини вужудга келтириб, ўз ўрнида ўрганилиши ва тадқиқ этилиши, қолаверса, ёш авлодга ўргатилиши лозим бўлган санъат турига айланди.

Бу ҳолат миллий эстрада санъати соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, профессионал эстрада таълимини жорий этишга сабаб бўлди.

Ботир Зокиров номидаги институт айнан эстрада жанрлари бўйича профессионал таълимга асосланади. Бунда устоз-шогирд аънаёлари билан бирга, жаҳон эстрада санъати таълимидаги илғор методикалар асосида ўқув машғулотлари ўтказилади, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилди, дунё миқёсида иқтидорли ўзбек ёшларининг маҳоратини намойиш этишга янада кенгроқ имконият яратилади.

Миллий эстрадамизни ривожлантириш борасида дастлабки эътиборни таълимнинг куйи бўғинларига қаратиш керак. Хусусан, барча мусиқа ва санъат мактаблари, ўрта таълим мактабларида, аввало, мусиқа ва мусиқа билан боғлиқ бўлган барча фанлар профессионал таълим даражасида ўрганилиши лозим.

Миллий эстрада йўналишида
ягона маскан**Камолитдин ЎРИНБОЕВ,**
Ўзбекистон давлат консерваторияси
ректори, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист:

— Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Миллий эстрада санъати институти ташкил этилиши, аввало, эстрада ижрочилиги йўналишлари бўйича малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратлади.

Бу ерда яратиладиган ўқув-методик адабиётлар, нотага кўчирилган миллий эстрада ижрочилиги намуналари, шунингдек, атоқли композитор ва бастакорлар, хонанда ва созандалар ижодини чуқур ўрганиш миллий эстраدامиз учун муносиб вакиллари тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз, хусусан, ёш авлод онгига миллий эстрада орқали миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак бадий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш асосий вазифа этиб белгиланди. Бу ишларни мамлакатимизда ягона ҳисобланган айнан шу институт амалга оширади.

Ўтган асрда пайдо бўлиб, ривожланиб, тараққий этган эстрада жанрлари ижтимоий-маънавий ҳаётимизга шу қадар кириб бордики, миллий эстрада санъатимиз шаклланди. Шу боис, бугун миллий эстрада юртимиз маданияти тизимида ута муҳим ўрин тутмоқда. Чунки у оммавий санъат тури сифатида минглаб кишиларга бирдай таъсир кўрсатиб, ҳамиша инсоннинг руҳий эҳтиёжини тезкор қондириш қудратига эга, десак муболаға бўлмайди.



Эстрада санъатини ривожлантириш масалалари кўпроқ репертуар муаммолари ҳал этилишига боғлиқ. Бунинг учун шоирлар, композиторлар, аранжировкачилар ёш хонандаю созандалар учун янги асарлар яратиши, кенг тарғиб этиш орқали уларни тарқатиши муҳим вазифадир.

Қолаверса, Ўзбекистонда миллий эстрада санъатини ривожлантириш учун турли ҳудудларда ижод қилаётган иқтидорларни, ҳаваскор санъаткорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ишларини такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни янги сифат босқичига кўтариш, бу жараёнда хорижий тажрибаларни янада кенг татбиқ этиш, миллий эстрада санъати тарихи ва назарияси тадқиқотини кучайтириш зарур.

Мамлакатимизда миллий эстрадаларни ривожлантириш учун имконият ва шароитлар яратилаётган экан, шу соҳадаги барча ижодкорлардан халқимизга манзур бўладиган қўшиқ ва куйлар яратиб, фаол ижод қилишларини кутиб қоламиз.

Ботир Зокиров мактаби аънаёлари барҳаёт

Дилором ОМОНУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:

— Давлатимиз раҳбарининг “Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эстрада йўналишидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Унда миллий эстрада намуналарини нотага кўчириш, муслиқий эстрада бўйича фундаментал, амалий ва ижодий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, соҳада шаклланган ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услуби ва аънаёларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш, ижро ва ижодий мактаблар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилгани аҳамиятлидир.



Қарорда бизни қувонтирадиган яна бир жиҳат бор. Бу ҳам бўлса, миллий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг “оптин фонди”ни яратиш масаласидир. Фонд эстрада йўналишидаги бебаҳо қўшиқларни сақлаб қолишга имкон беради. Ваҳоланки, шу пайтгача соҳага етарлича эътибор берилмаганди. Энди қарор асосида халқимиз, хусусан, ёш авлод онгига миллий эстрада қўшиқчилиги орқали ўзликни англаш туйғуси, юксак бадий-эстетик, муслиқий дид ва тафаккурни камол топтириш, эстрада йўналишида хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, қўша таълим дастурлари ҳамда илмий лойиҳаларни амалга ошириш имконияти туғилмоқда, десак янглишмаймиз.


Институт профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Маданият вазирлиги

тизимидега узоқ йиллар меҳнат қилгани учун ойлик устама татбиқ этилиши таълим сифатини таъминлашга хизмат қилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб институтининг илмий-педагогик кадрлари таркибини олий таълим ва илмий ташкилотларда, Маданият вазирлиги тизимида фаолият юритаётган, жумладан, хорижий ўқув ҳамда илмий масканларда малака ошириб келган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳадаги салоҳиятли амалиётчи мутахассислар орасидан шакллантириш кўзда тутилган. Қолаверса, мамлакатимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, мактаб-интернатлар ҳамда маданият, мусиқа ва санъат коллежларига институтининг етакчи профессор-ўқитувчилари, таниқли эстрада ижодкорларини бириктириш орқали маҳорат дарсларини йўлга қўйиш белгиланган.

Эстрада санъати йўналишига қадам қўяётган ҳар бир ёш санъаткор Ботир Зокиров ижодини мукаммал ўрганиши, бу жараёнда устоз санъаткорнинг шахсига ҳам мурожаат қилиши керак. Чунки Ботир Зокировнинг ҳаёт йўлидан ибрат оладиган жиҳатлар жуда кўп. У Мутал Бурҳонов, Икром Акбаров, Манас Левиев, Энакар Солиҳов каби етук композиторлар ва шоирлар билан ҳамкорликда ҳақиқий, умрбоқий эстрада қўшиқларини мерос қолдирди.

Ботир Зокиров ўзбек миллий эстрада санъатини дунёга танитган, ўз даврида мегаюлдуз даражасида машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам институтда Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва музей, Ўзбек миллий эстрадаси намоёндаларининг “устоз-шогирд” ижрочилик мактаблари, замонавий ижодий студиялар ва ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинаётгани ҳам қувонарлидир.



Ботир Зокиров ўзбек миллий эстрада санъатини дунёга танитган, ўз даврида мегаюлдуз даражасида машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам институтда Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва музей, Ўзбек миллий эстрадаси намоёндаларининг “устоз-шогирд” ижрочилик мактаблари, замонавий ижодий студиялар ва ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинаётгани ҳам қувонарлидир.

Яна бир жиҳат: фаолияти йўлга қўйилган музей Ботир Зокиров ва Зокировлар сулоласи ҳаёти ва фаолияти, миллий эстрада санъатимиз ривожланиши, дунё миқёсида кенг тарғиб этилишини ёрқин акс эттирувчи экспонатлар жамланган, санъаткор ижодига мансуб таъсирли санъат намуналари ҳамда адабий асарлар жамланган, мунтазам равишда кўргазма-экспозициялар ташкил этилади.

Ботир Зокиров билан 1976 йилдан буюн умрининг охирига қадар ака-укадек бўлиб ижод қилган Мансур Тошматовнинг айтишича, буюк ижодкорнинг қўшиқларини Магадана ҳам, Узоқ Шарқда ҳам, Кавказу Волгабўйида ҳам, Санкт-Петербур, Москва, Европа, Осиё, Америка қитъаларининг қатор давлатларида ҳам яхши билишар, яхши кўриб эшитишган.

“Мен ўз кундалигимни ажойиб ёйлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кундан бошлашим келди... Уша кун мен Тошкент давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига имтиҳонни муваффақиятли топтирдим. Ўша дақиқаларда мен саҳнада туриб ҳассос ва талабчан тингловчилар қаршисида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим қўйлашим биланок тумандай тарқаб келди”.

Ботир Зокировнинг кўноқлик дафтаридан олingan мана шундай илиқ хотиралар институт талабаси бўлиш орзусидаги ҳар бир йил-гит-қизга бегона туйғу эмас. Санъаткорнинг қўйлаш маҳорати, мақсадлари йўлидаги чинакам жасоратни туйғули қалбига оташ уч-қуни тутиган талабадан ҳам юксак парвозларни умид қилишга ҳақимиз. Эстрада санъатида Ботир Зокиров қолдирган ўнмасиз ўз уларни дунёнинг энг буюк санъат даргоҳларига-да етаклаб борсин!

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ИСЛОМ

Дунё тамаддунининг бугунги босқичини глобаллашув жараёнига тасаввур қилиб бўлмайди. Глобаллашув турли соҳаларда тараққиёт суръатлари ўсишида муҳим омилдир. Унинг илм-фан ривожини, ахборот алмашинувидаги ўрнини бирор восита билан қийинлаш бўлмайди. Аммо қадриятлар масаласи, инсон инсонни англаши, эътиқод ва дин борасидаги тушунмовчиликлар, дунёнинг айрим минтақаларидаги кескин диний вазиятлар, миллий ва диний низоларни ҳал этишда муаммолар учраётгани ачинарли ҳол.

Бу жараёнда ёшларнинг онги ва мафкуравий бўшлиғини динимизга ёт бўлган гоғлар эгаллаб бораётгани қузатилмоқда. Мафкуравий бўшлиқни тўлдириш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш баркамол авлод тарбиясининг муҳим омилли саналди. Аниқска, тезкор ахборот асрида динни ниқоб қилиб олган сиёсий кучлар, миссионерлик, экстремистик, террористик мазмундаги гоғлар учун йўл очиб бермаслик муҳим.

Шу мақсадда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Глобаллашув жараёнида исломни тушуниш муаммолари”

мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Исромишунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш — ICESCO кафедраси томонидан ўтказилган анжуманда соҳага тааллуқли муҳим масала, муаммолар муҳокама этилди.

Тадбирда Анкара университети илоҳийёт факультети доктори, профессор Сонмез Кутлу, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси, мисрлик олим Аҳмад Саъд Даманхурий, таниқли исломшунос олимлар, юртимиз ва хориждаги илмий марказларнинг етакчи мутахассислари, Туркия, Швеция, Миср, Россия каби



давлатларнинг нуфузли олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи ва магистрантлари иштирок этди.

— Бугунги илмий-амалий анжуманининг халқаро мақомда ўтказилиши ва унда айнан ислом билан боғлиқ маса-

лалар, муаммолар, ривожланиш босқичлари каби мавзулар тилга олинаётгани беҳиз эмас, — дейди Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори Зоҳиджон Исмолов. — Шу мақсадда ислом таълимоти ва унинг асосларини

ўрганиш, уни тўлақонли равишда аспланблар орқали тушунириш ҳамда бунга бағишланган тадқиқотлар ўтказиш энг долзарб, кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади.

Конференция “Динлараро тотувлик ва радикализмни енгиш”, “Муслмон жамоасида конфессиялараро тотувлик: ўтмиш, бугун, келажак”, “Олий ислом таълимини ривожлантиришда ютуқларга эга бўлган ўзбек ва хорижий олимларнинг илмий, услубий ва ахборот алмашинуви” ҳамда “Ислом илоҳийти тафаккури ривожланишининг аънаёлари ва замонавий тенденциялари: муслмон жамоаларининг ички ва хорижий тажрибаси” каби секцияларга бўлинди.

Тадбирда соҳада илмий изланиш олиб бораётган маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг “Глобаллашув жараёнида исломни тушуниш муаммолари”, “Ислом манбашунослиги: тадқиқотлар, замонавий муаммолар”, “Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда ислом толерантливининг аҳамияти”, “Муслмон жамоасида конфессиялараро мулоқот ва жаҳолатга қарши маърифат”, “Комил инсон тушунишнинг шаклланишида мотуридия таълимотининг ўрни”, “Интернетнинг илмий соҳадаги ўрни”, “Қўрьоншуносликка оид тадқиқотлар” каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Давра суҳбатига бугунги глобаллашув ҳамда тезкор ахборот алмашинуви даврида ёшлар маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, халқаро майдонда содир бўлаётган воқеа-ходисаларнинг аспмоҳиятини очиб бериш заруратиға эътибор қаратилди. Учрашувда сўз олганлар ислом тинчлик дини бўлиб, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, тинчлик-осойишталикни кадрлаш долзарб вазифа эканини қайд этди.

Қизгин муҳокама, баҳсларга бой ўтган анжуманда бугунги ахборот асрида ёшлар тафаккурини кенгайтириш, диннинг моҳиятини теран англаш, ислом таълимотини тўғри тушуниш, ёшлар онгига турли бузғунчи гоғларга қарши иммунитетни шакллантириш, бу борада ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда илмий-амалий анжуманларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Мазкур халқаро тадбир диннинг моҳияти, исломнинг асп мазмунини англашда ҳамда бу борадаги айрим тушунмовчиликларни бартароф этишда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Зеро, жаҳолатни фақат маърифат билан енгиш мүмкинлигини бугун халқаро ҳамжамият теран англамоқда.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер маркасида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** — 3586.

76042 нуҳсада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гўлсум Шодиева
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза якуни — 21:25 Топширилди — 23:15